

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил июль ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Тошлоқ туман суди Тошлоқ тумани “Қанжирға” маҳалла фуқаролар йиғинидаги коллеж биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.А.Хабибуллаев, судья ёрдамчиси Ҳ.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошлоқ туман прокурори Б.Исмоилов ва прокурор ёрдамчиси Ф.Каримов, судланувчи З.З.Собиров ва унинг ҳимоячиси “Ҳимоядасиз” адвокатлик ҳайъати адвокати Х.Собирова, судланувчи Ф.Т.Жумабоев ва унинг ҳимоячиси “Ҳимоядасиз” адвокатлик ҳайъати адвокати Х.Юлдашев иштирокида, Жумабоев Файзулло Тохирович ва Собиров Зафаржон Зокировичга нисбатан 1-1517-1901/49-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Собиров Зафаржон Зокирович (Sobirov Zafarjon Zokirovich), 05.03.1988 йилда Фарғона вилояти Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Қува тумани, Олтинариқ м.ф.й., Ислохот кўчаси, 258-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.06.2019 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди, 273-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Жумабоев Файзулло Тохирович (Jumaboyev Fayzullo Toxirovich), 18.06.1981 йилда Фарғона вилояти Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, Қува тумани 3-умумий ўрта таълим мактабида қоровул бўлиб ишлайди, Қува тумани, Олтинариқ м.ф.й., Олтиариқ кўчаси, 126-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.06.2019 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

З.Собиров 2018 йил баҳор ойларида яшаш уйи томорқасида 3 туп кўкнори ўсимликларини етиштириб, келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, томорқасида ўсиб турган кўкнори ўсимликлари бошоқларидан озгинадан кўпроқ миқдорда териб олиб, ташиб, уларни яшаш уйида сақлаб келган.

Бундан ташқари, З.Собиров 2018 йил куз ойларида Қува тумани Олтинариқ м.ф.й. ҳудудида жойлашган “Иқбол МТП” фермер хўжалигига қарашли дала майдонлари яқинидаги зовур бўйида, ёввойи ҳолда ўсиб турган наша ўсимликларидан келгусида ўтказиш мақсадини кўзламасдан териб олиб, ташиб, уларни яшаш уйи молхонасида сақлаб келган.

2019 йил 15 май куни З.Собиров яшаш уйида сақлаётган озгинадан кўпроқ миқдордаги 22 грамм кўкнори бошоқларини ташиб, Ф.Жумабоевга 1 дона 800,0 минг сўмлик хўрозга айрибошлаш шарти билан ўтказган.

Шунингдек, З.Собиров 2019 йил баҳор ойларида яшаш уйи томорқасида тақиқланган 42 туп кўкнори ўсимлигига, уйи томида 2 та гултувакларда 2 туп каннабис ўсимлигига агротехник ишлов берган ҳолда етиштириб келган.

Шунингдек, Ф.Жумабоев 2018 йил баҳор ойларида яшаш уйи томорқасида тақиқланган 10 туп кўкнори ўсимлигини етиштириб, келгусида ўтказиш мақсадини кўзламасдан ушбу кўкнори ўсимликлари бошоқларидан кўп миқдорда териб олиб, ташиб, уларни яшаш уйида сақлаб келган.

2019 йил 15 май куни Фарғона вилоят ва Тошлоқ туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2019” тадбири давомида Ф.Жумабоев ўзи қонунга хилоф равишда етиштириб, териб олиб, сақлаган кўкнори бошоқларига З.Собиров ўтказган 22 грамм кўкнори бошоқларини кўшиб, уларни ўз велосипедида яшириш мақсадида Тошлоқ тумани Хўжаарик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташиб кетаётган вақтида аниқланган.

Ф.Жумабоевнинг кўрсатувиغا аниқлик киритиш учун З.Собировнинг хонадони кўздан кечирилганда у яшаш уйи молхонасида сақлаб келаётган марихуана гиёҳвандлик воситаси, томорқасида етиштириб келаётган тақиқланган 42 туп кўкнори ўсимлиги, уйи томидаги гултувакларда етиштириб келаётган 2 туп каннабис ўсимлиги аниқланган. Кўздан кечириш жараёнида ушбу гиёҳвандлик воситалари ва тақиқланган ўсимликлардан намуналар ашвий далил сифатида олинган,

Судга оид кимёвий экспертизанинг 16.05.2019 йил кунги 225-сонли хулосасида, Ф.Жумабоевдан ашвий далил тариқасида олинган яшил-сарғиш рангли, қуритилган ҳолдаги кўкнори ўсимлиги бошоқларига ўхшаш бўлган бошоқлар таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алкалоидлар-морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, бу модда “Кўкнори сомони” дейилиши, қуритилган ҳолдаги кўкнори сомонининг соф оғирлиги 260 граммга тенглиги кўрсатилган.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган тергов эксперименти давомида З.Собиров Ф.Жумабоевга берган 25 дона кўкнори бошоқлари миқдори 22 граммни ташкил этиши аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 16.05.2019 йил кунги 228-сонли хулосасига кўра, З.Собировдан ашёвий далил тариқасида олинган яшил рангли, қуритилган ҳолдаги ўзига хос хидга эга бўлган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинал мавжуд бўлиб, бу “Марихуана” дейилиши, қуритилган ҳолдаги марихуананинг, жами соф оғирлиги 67 граммга тенглиги кўрсатилган.

Экспертизанинг 16.05.2019 йилдаги 226-сонли хулосасига кўра З.Собировнинг яшаш хонадони томида 2 дона тувакда 2 туп парваришланаётган ўткир хидли, яшил рангли гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш бўлган ўсимлик моддаси таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинал мавжуд бўлиб, бу “каннабис” ўсимлиги барглари эканлиги;

Экспертизанинг 16.05.2019 йилдаги 227-сонли хулосасига кўра, З.Собировнинг хонадони томорқасида аниқланган кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликлардан олинган намуналар, яъни қирралари нотекис, аррасимон, кенгланцетли, қуритилмаган ҳолдаги ўсимлик барглари таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алкалоидлар-морфин, кодеин ва тебаин мавжуд бўлиб, бу ўсимлик “Кўкнори ўсимлиги” дейилиши кўрсатилган.

Судлнувчи Собиров Зафаржон Зокирович судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатан ҳам у 2019 йил майнинг бошларида маҳалладоши Файзулло (Жумабоев) билан кўчада кўришганда ўзига кўкнори бошоғи кераклигини айтиб, ундан кўкнори борлиги ҳақида сўраганлигини, у кўкнори борлигини айтганида Файзулло кўкноридан сотишини айтганлигини, у сотмаслигини айтиб, хабар беришини айтганлигини, кечқурун Файзулло яна телефон қилиб, кўкнори нима бўлганлигини, сотишини сўраганлигини, у эрталаб уйига келишини айтганлигини, 2019 йил 15 май, соат 8 ларда у уйдаги қуритилган ва қора тусли целофан пакетга солинган ҳолда кўкнори бошоқларини олиб, “Дамас” автомашинасида Файзуллонинг уйига борганлигини, Файзуллога кўкнори бошоқларини берганлигини, у кўкнори бошоқларини Файзуллога бериб, ўз иши билан кетганлигини, соат 13 ларда у уйда бўлганлигини, уйига маҳалласига бириктирилган профилактика инспекторлари ва бошқа фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келганлигини, улар томорқаларни текшириб юришганини айтганлигини ва уйлари томорқасини кўрганлигини, шунингдек унга кўкнори берган одам қўлга тушганини, шунингдан олиш-олмаслигини сўраганида, у тан олишини айтганлигини, ИИБ ходимлари уйлари томорқасига қизил лавлаги экилган жойда лавлагилар ичини қараб, ичида кўкнори ўсимликлари борлигини кўрганлигини, кўкнори ўсимликларини 2 нафар холислар, яъни қўшнилари ва агроном иштирокида юлиб олганлигини, кўкнори ўсимликлар, катта ва кичик бўлиб, жами 42 туп чиққанлигини, ИИБ ходимлари уйда яна бошқа гиёҳвандлик моддаси бор-йўқлиги ҳақида сўраб, уйининг бошқа жойларини

хам кўришни айтганлигини, уйи томига чиққанида у ерда 2 та гул тувакда ўсиб турган 2 туп наша (каннабис) гиёҳвандлик ўсимликларини кўрганлигини, шунингдек молхонага кириб, қора тусли целлофан пакетда куруқ холдаги наша (марихуана) гиёҳвандлик моддалари борлигини аниқлаганлигини, 2 туп наша ўсимликларидан ва 42 туп кўкнори ўсимликларидан намуналар олиб, қоғоз конвертга солганлигини, қора тусли целлофан пакетдаги куруқ нашаларни қора целлофан пакетга солиб муҳрлаганлигини, 2 туп наша ва 42 туп кўкнори ўсимликларини ёқиш йўли билан йўқ қилганлигини, бу ҳақида тегишли ҳужжатларни тузганлигини, у ҳужжатлар билан танишиб, имзо қўйиб берганлигини ва уйида аниқланган ушбу ҳолатлар бўйича Файзуллога 15 май куни эрталаб кўкнори бошоқлари бергани ҳақида тушунтириш хати ёзиб берганлигини, у Файзуллога берган кўкнори бошоқлари уйи томорқасида 2018 йили ўсиб чиққан 3 туп кўкнори бошоқларидан териб олган бошоқлар эканлигини, яъни томорқада кўкнори ўсимликлари ўсиб чиққанда у кўкнорини қорин оғриқ ва йўталга дори эканини эшитгани учун кўкнориларни юлиб ташламасдан уларни парваришлаб, кейинчалик кўкнори бошоқлари пишганда териб олиб, уйида сақлаб келганлигини, Файзулло сўраганда ўтган йили олиб сақлаб келаётган кўкнориларни унга берганлигини, Файзуллога тахминан 20-25 дона қуритилган ҳолда кўкнори бошоқлари берганлигини, 25 дона куруқ кўкнори бошоқлари миқдори 22 грамм чиқишини тергов эксперименти вақтида тарозида тортиб кўрилганда билганлигини, томорқасида ўсиб турган бу йилги кўкнорилар ҳали пишиб етилмаган ҳолда бўлганлигини, у уйида сақлаган ва Файзуллога берган кўкнори бошоқларини қорин оғриққа дори деб уйида олиб қўйганлигини, уларни сотиш мақсади йўқлигини, Файзулло ўзига кўкнори кераклигини билдириб, ундан кўкнори сўраганда унга уйда сақлаб келаётган кўкнори бошоқларини берганлигини, у Файзуллога берган кўкнори бошоқлари учун 800.000 сўм пул беришини айтмаганлигини, бунча пул талаб қилмаганлигини, уйида бошқа оила-аъзолари кўкнори истеъмол қилмаслигини, уйида ИИБ ходимлари аниқлаган наша ўсимликларини 2018 йилда куз ойларида даладаги зовур бўйида ёввойи ҳолда ўсиб турган наша ўсимликларидан териб, олиб келиб, уйи молхонасига қўйиб, сақлаб қўйганлигини, лекин молхонадаги наша ўсимликларининг таъсир кучи яхши бўлмагани сабабли у уларни чекмагани учун молхонада қолиб кетганлигини, ИИБ ходимлари молхонага кирганда целлофандаги нашаларни аниқлаганлигини, уйи томида тувакларга экилган наша ўсимликларини ўзи чекиш учун етиштириб келаётганлигини, қолаверса 2019 йил баҳорда уйи томорқасидаги қизил лавлаги экини ичида кўкнори ўсимликлари ўсиб чиққанда уларни дориликка деб юлиб ташламасдан қолдирганлигини, уйда томорқа ишларини ўзи бажаришини, томорқада кўкнори ўсимликлари ўсиб турганини ИИБ ходимлари келмасдан олдин уйда онаси ёки турмуш ўртоғи кўрмаганлигини, у бу йил томорқасида ўсиб турган кўкнориларни ҳамда томда етиштираётган наша ўсимликларини бировга сотиш ва бериш мақсади бўлмаганлигини, бундан ташқари у Файзуллога 2019 йил 15 май куни тахминан 20-25 дона кўкнори бошоқларини берганлигини, у ушбу ҳолат

бўйича ҳужжатлар тўплашда Файзуллодан олинган кўкнори бошоқларини тортиб кўрилганда 260 грамм чиққанини билганлигини, лекин у Файзуллога 260 грамм кўкнори бермаганлигини, балки 20 ёки 25 дона кўкнори бошоғи берганлигини, 25 дона кўкнори бошоғи тортиб кўрилганда 22 грам чиққанлигини, Файзулло у бергандан ташқари бошқа кўкнори бошоқларини қаердан олганини билмаслигини, 2018 йилда томорқасида ўсиб чиққан 3 туп кўкнориларни ҳам у ўзи етиштирганлигини, томорқада уларни онаси ёки турмуш ўртоғи етиштириб парваришлашмаганлигини, 2018 йилдаги кўкнори бошоқларидан териб уйи ётоқхонасида яширинча сақлаб келишини, улар ётоқхонада турганини турмуш ўртоғи ёки онаси кўрмаганлигини, у уйда аниқланган наша ўсимликларини сотиш мақсади йўқлигини, ўзи тахминан 2 йилдан буён наша чекиб туришини, яъни 2017 йил ноябрь ойида отаси қанд касалига учраб оёғи кесилганлигини, кейинчалик эса вафот этганлигини, отаси касалликка учраганда у сиқилишини ёзиш учун наша чекиб кўрганлигини ва наша чекишга ўрганиб қолганлигини, нашаларни чекиш учун етиштириб кетаётганлигини, молхонада аниқланган нашалар ҳам олдин чекиш учун олиб келган нашалардан қолиб кетганлигини, ушбу ҳолат бўйича дастлабки ҳужжатларда Файзулло ундан олган кўкнорилар учун 800.000 сўм бериши ҳақидаги гаплар ёзилганлигини, лекин у Файзуллодан берган кўкнори бошоқлари учун 800.000 сўм пул беришини сўрамаганлигини, у ундан хўроз сотиб олмоқчи эканлигини, хўрознинг нархи 800.000 сўм бўлиб, Файзулло кўкнориларни олиб, унга хўрозни бермоқчи бўлганлигини, шундан хўрознинг нархи 800.000 сўм бўлгани сабабли кўкнорилар учун 800.000 сўм бериш ҳақида гап чиққанлигини, у бундан олдин кўкнори ёки наша гиёҳвандлик моддаси сотмаганлигини ва бировга бермаганлигини, Файзулло ундан нима учун кўкнори бошоғи олганини билмаслигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи Жумабоев Файзулло Тохирович судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатан ҳам у 2019 йил 15 майда Қува тумани, Акбаробод қишлоғидан велосипедда юриб, Тошлоқ тумани, Яккатут қишлоғида кетаётганида велосипеди рулида целлофан пакетга солинган ҳолда кўкнори бошоқлари олиб кетаётганлигини, кўкнори бошоқларини Тошлоқ тумани, Яккатут қишлоғи ҳудудидаги далага ўт ўриб кетадиган жойига яшириб кўйиш учун олиб кетаётганлигини, шунда уни Яккатут қишлоғи ҳудудида “Ласетти” русумли машинада фуқаролик кийимидаги 2 нафар ИИБ ходимлари йўлини тўсиб тўхтаганлигини ва унга кўзига қараб (хушёр бўлиб) юришини, шубҳали кўринаётганини айтиб, велосипед рулида нима олиб кетаётгани ҳақида сўраганлигини ва целлофан пакетни кўриб, унинг ичида кўкнори бошоқлари борлигини кўриб аниқлаганлигини, сўнг ИИБ ходимлари 2 нафар холисларни чақириб, кўкнори бошоқларини ашёвий далил тариқасида олганлигини, ИИБ ходимлари унинг телефонини олиб, ундаги рақамларни кўрганлигини, сўнг улар уни Тошлоқ тумани ИИБга олиб келганлигини, ундан Тошлоқ туман ИИБ ходимларни тушунтириш хати олганлигини, уни ИИБга олиб келган ходимлар кетганлигини, орадан анча вақт ўтгандан сўнг улар Тошлоқ туман ИИБга келганлигини, улар келгандан

сўнг уни йўлда тўхтатган ходимлар маҳалладоши Зафар (Собиров)ни уйига борганлигини, унинг уйида кўкнори ўсиб турганини аниқлаганлигини билганлигини, у ИИБ ходимлари аниқлаган кўкнори бошоқларини бир қисмини, яъни бир ховучини 2019 йил 15 май, эрталаб Зафардан олганлигини, қолган қисми ўзига тегишли эканлигини, яъни у 2018 йил баҳор ойларида уйи томорқасида кўкнори чиқиб қолганида, уларни юлиб ташламаганлигини, уларни парваришлаганлиги, етиштирганлиги, пишганида эса уларнинг бошоқларини ўзига, қорин оғриққа дорилик килиш учун уйида сақлаб келганлигини, 15 май куни у уйдаги кўкнори бошоқларини ва Зафардан олган кўкнори бошоқларини битта қилиб, уларнинг катта-кичигини ажратиб, алоҳида целлофан пакетларга солиб, уларни яшириб қўйиш учун олиб кетаётганлигини, у уйдаги ва Зафардан олган кўкнори бошоқларини бировга сотиш ёки бериш мақсади бўлмаганлигини, у қорин оғриқ касаллигига йўлиққанлигини ва шу сабабли кўкнори бошоқлари истеъмол қилиб туришини, бу ҳолатдан кейин кўкнори бошоқларини Фарғона вилоят ИИБда экспертизада тортиб қўрилганда оғирлиги 260 грамм чиққанлигини, 260 грамм кўкнори бошоқларининг кўпи ўз уйида сақлаб келаётган кўкнори эканлигини, Зафар унга бир ховуч сиғимида кўкнори бошоқларини берганлигини, кўкнори бошоқлари қуруқ ҳолда бўлганлигини, 2018 йил баҳорда уйи томорқасида кўкнори ўсимлиги етиштирганини ота-онаси, турмуш ўртоғи кўрмаганлигини ва билмаганлигини, сабаби уйда томорқа ишларини у бажариб келишини, 2018 йил баҳорда кўкнорилар пишганда у уларнинг бошоқларини териб олиб, қуритиб уйда сақлаб келганлигини, отаси Чернобиль қатнашчиси бўлиб, жисмоний меҳнатга ярамаслигини, онаси ва турмуш ўртоғи аёл киши бўлиб, улар уйда томорқа ишлари билан шуғуланмаслигини, кўкнори ўсимликлари 2018 йилда уйи томорқасида картошка экини ичида ўсиб чиққанлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Тўхтабоев Хусанбой Камолович судда, ҳақиқатан ҳам 2019 йил 15 май, кундузи соат 13 да Қувадан уйга келаётганида унга қўшниси Нурбек телефон қилиб, қаерда эканини сўраганлигини, кўчадан уйга келаётганини, уйга яқинлашиб қолганини айтганида қўшниси Зафар (Собиров)нинг уйига келишини сўраганлигини, шунда у уйга кирмасдан қўшниси Зафарнинг уйига келганида Зафарнинг уйи олдида ҳудуд профилактика инспектори, фуқаролик кийимидаги ходимлар, шунингдек агроном, Зафар, қўшниси Нурбеклар борлигини, у Зафарнинг уйига кирганида ИИБ ходимлари Зафарнинг уйини кўздан кечиришларини, шу жараёнда холис бўлиб иштирок этишини сўраганлигини, Зафарнинг уйи томорқасида кўкнори ўсимлиги ўсиб турганлигини, шунингдек 2 та тувакда наша ўсимлиги ўсиб турганлигини, шунингдек қора целлофан пакетда қуруқ ҳолдаги наша гиёҳвандлик моддаси ҳам борлигини кўрганлигини, томорқада ўсиб турган кўкнориларни юлиб, олиб чиқиб санаганларида, жами 42 туп чиққанлигини, ИИБ ходимлари кўкнори ва тувакда ўсиб турган наша ўсимликларидан намуна олиб, алоҳида конвертга солганлигини, қуруқ ҳолдаги нашани эса целлофан пакетга солганлигини, уларни муҳрлаганлигини, наша ва кўкнори ўсимликларини эса

ёқиш йўли билан йўқ қилганлигини, ИИБ ходимлари ушбу ҳолат бўйича баённома тузганлигини, у баённома билан танишиб, имзо қўйиб берганлигини, кўкнори ва нашаларни фотосуратга ҳам олганлигини, кўздан кечириш тугаганидан сўнг у кўрганлари ҳақида тушунтириш хати ёзиб берганлигини, у бу воқеадан кейин Зафар уларга кўшни маҳаллада яшовчи Файзулло (Жумабоев) га кўкнори бошоғи берганини, шунда Файзуллони ИИБ ходимлари ушлаганини, у Зафар ҳақида айтганда ИИБ ходимлари Зафарнинг уйига келганини эшитганлигини, Зафар кўкнори ва наша ўсимликларини, қуруқ наша моддаларини нима қилишини билмаслигини, илгари Зафар наша ёки кўкнори чекканини кўрмаганлигини, қолаверса Зафар илгари кўкнори ёки наша сотиш ёки бировга бериш билан шуғулланмаганлигини, бу ҳақида эшитмаганлигини, Зафар коллежда ишлашини, Зафар уйда хўроз боқиш билан шуғулланиб туришини билишини, шу сабабли уйига кириб туришини, лекин илгари Зафарнинг уйи томорқасида кўкнори ўсиб турганига эътибор бермаганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Исмоилов Нурбек Ўктамович судда, ҳақиқатан ҳам 2019 йил 15 май куни соат 13-00 да уни кўшниси Зафар уйига чақирганлигини, у Зафарнинг уйига кирганлигини, бу вақтда Зафарнинг уйи олдида ҳудуд профилактика инспектори ва фуқаролик кийимидаги бошқа ИИБ ходимлари борлигини, у Зафарнинг уйига кирганида ИИБ ходимлари Зафарнинг уйини кўздан кечиришларини, шунда ҳолис бўлиб иштирок этишини айтганлигини, Зафарнинг уйи томорқасида кўкнори ўсимлиги ўсиб турганлигини, шунингдек 2 та тувакда наша ўсимлиги ўсиб турганлигини, қора целлофан пакетда қуруқ ҳолдаги наша гиёҳвандлик моддаси ҳам турганлигини кўрганлигини, томорқада ўсиб турган кўкнорилари юлиб, саналганда жами 42 туп чиққанлигини, ИИБ ходимлари кўкнори ва тувакда ўсиб турган наша ўсимликларидан намуна олиб, алоҳида конвертга солганлигини, қуруқ ҳолдаги нашани эса целлофан пакетга солганлигини, уларни муҳрлаганлигини, наша ва кўкнори ўсимликларини эса ёқиш йўли билан йўқ қилганлигини, ИИБ ходимлари ушбу ҳолат бўйича баённома тузганлигини, у баённома билан танишиб имзо қўйиб берганлигини, ўша вақтда кўшнилари Хусанбой ҳам ҳолис сифатида иштирок этганлигини, кўздан кечириш тугагандан сўнг у кўрганлари ҳақида тушунтириш хати ёзиб берганлигини, у бу воқеадан кейин Зафар уларга кўшни маҳаллада яшовчи Файзуллога кўкнори бошоғи берганини, шунда Файзуллони ИИБ ходимлари ушлаганини, у Зафар ҳақида айтганда ИИБ ходимлари Зафарнинг уйига келганини эшитганлигини, Зафар кўкнори ва наша ўсимликларини, қуруқ наша моддаларини нима қилишини билмаслигини, илгари Зафар наша ёки кўкнори чекканини кўрмаганлигини, Зафар илгари кўкнори ёки наша сотиш ёки бировга бериш билан шуғулланмаганлигини, бу ҳақида эшитмаганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Юлдашев Зафар Олимович судда, ҳақиқатан ҳам 2019 йил 15 майда Қува тумани, Олтинариқ м.ф.й., Ислоҳот кўчасида яшовчи Собиров Зафарнинг уйи томорқасини Қува тумани ИИБ ходимлари томонидан кўздан

кечиришда мутахассис сифатида иштирок этганини, кўздан кечириш давомида 3.Собировнинг томорқасидаги 2 кв.метр келадиган қисмида лавлаги экинлари ичида 42 туп кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар, уй томида 2 та гултувакда ҳар бирида 1 тупдан 2 туп наша ўсимликларига ўхшаш ўсимликларга агротехник ишлов берилган ҳолда ўсиб тургани аниқланганлигини, ИИБ ходимлари 2 нафар холислар иштирокида ўсимликларни ашёвий далил тариқасида олганлигини, ўсимликлардан намуналар олиниб, қоғоз конвертларга солиниб, муҳрланганлигини, ўсимликлар эса ёқиш йўли билан йўқ қилинганини, тадбирда мутахассис сифатида иштирок этиб, тадбир сўнгида хулоса ёзиб берганини айтиб, кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, суд судланувчилар Ф.Т.Жумабоев ва 3.3.Собировларнинг айби, билдирги, далилий ашёни олиш, хонадонни кўздан кечириш баённомаси ва фотожадваллар, далилий ашёни тортиб олиш, тергов эксперименти, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомалари, судга оид кимёвий ва наркололик экспертизасининг хулосалари, квитанциялар ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, судланувчи 3.3.Собиров юқоридаги ҳаракатлари билан 3 туп кўкнори ўсимликларини етиштириб, озгинадан кўпроқ миқдордаги 22 грамм кўкнори бошоқларини ўтказиш мақсадида териб олиб, ташиб, сақлаб, уйига кўп миқдордаги 67 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини ташиб, сақлаб, озгинадан кўпроқ миқдордаги 22 грамм кўкнори бошоқларини ташиб, Ф.Жумабоевга ўтказиб, уйи томорқасида 42 туп кўкнори ва 2 туп “каннабис” (наша) ўсимликларини экиб ва етиштириб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида, 276-моддаси 2-қисми ”а” бандида, 273-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятлар мажмуини содир этган.

Судланувчи Ф.Т.Жумабоев юқоридаги ҳаракатлари билан яшаш уйи томорқасида 10 туп кўкнори ўсимликларини ўтказиш мақсадини кўзламасдан парваришлаган ҳолда етиштириб, озгинадан кўпроқ миқдордаги 22 грамм кўкнори бошоқларини 3.3.Собировдан қонунга ҳилоф равишда олиб, эгаллаб, кўп миқдордаги яъни, умумий миқдори 260 грамм бўлган кўкнори сомони гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай тайёрлаб, сақлаб, ташиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятлар мажмуини содир этган.

Суд судланувчи Собиров Зафаржон Зокировичга жазо тайинлашда, у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, муқаддам судланмаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, оилавий шароитини эътиборга олиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида, жиноят содир қилгунига қадар бўлган ижобий хулқ-атворини, яъни ўз мутахассислиги

бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаб келганлигини, жиноят содир этгандан кейинги ижобий хулқини, яъни ўз ихтиёри билан тўғри кўрсатувлар бериб, гиёҳвандлик воситаларини топширганлигини, ўзи яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган ижобий кафолат хатини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган энгилроқ турдаги озодликни чеклаш жазоси, 270-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 276-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, ЖКнинг 59 ва 61-моддаларига асосан жазоларни қисман қўшиб, озодликни чеклаш жазосини қўшимча чеклашлар ва мажбурият юклаш билан бирга тайинлашни лозим деб топди.

Суд судланувчи Жумабоев Файзулло Тохировичга жазо тайинлашда, у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, муқаддам судланмаганлигини, жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, оилавий шароитини эътиборга олиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида, жиноят содир қилгунига қадар бўлган ижобий хулқ-атворини, яъни мактабда қоровул бўлиб ишлаб келганлигини, жиноят содир этгандан кейинги ижобий хулқини, яъни ўз ихтиёри билан тўғри кўрсатувлар бериб, жиноятни тўлақонли фош бўлишига ёрдам берганлигини, отаси ногирон эканлигини, ўзи яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган ижобий кафолат хатини инобатга олиб, 276-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган энгилроқ турдаги ҳамда 270-моддаси 1-қисми санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ва ЖКнинг 59-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиб, узил кесил жазо тайинлашни лозим деб топди.

Бундан ташқари, дастлабки тергов даврида ашёвий далил тариқасида олинган 255 грамм “кўкнори сомони”, 66 грамм марихуана гиёҳвандлик воситалари, 0,23 грамм каннабис ўсимлиги, 1,9 грамм кўкнори ўсимлиги намуналарини экспертизада сарфланган миқдори ва табиий қуриганлигини инобатга олган ҳолда йўқ қилишни лозим топди.

Суд, 3.3.Собировга нисбатан наркологик экспертизаси хулосасига асосан тиббий муассасаларда гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чораси қўллашни лозим топди.

Суд, Ф.Т.Жумабоевга нисбатан наркологик экспертизаси хулосасига асосан унда гиёҳвандлик касаллиги аниқланмаганлиги сабабли тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чорасини қўлламасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

1. Собиров Зафаржон Зокирович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми ”а” банди ва 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Собиров Зафаржон Зокировичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Собиров Зафаржон Зокировичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Собиров Зафаржон Зокировичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 5 (беш) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазо ўташни назорат қилиш Қува туман ИИО Пробация хизмати гуруҳи зиммасига юклатилсин. Жазо муддати 3.3.Собиров жазо ижросини назорат қилувчи органда ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ўташ даврида 3.3.Собировнинг яшаш жойидан чиқиши сутканинг соат 20-00 дақиқасидан 07-00 дақиқасига қадар чекланиб, жазо ўташ даврида унинг зиммасига Қува туман ИИО Пробация хизмати гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик тарзидаги қўшимча чеклашлар ҳамда ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш мажбурияти юклансин.

3.3.Собировга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин. Гаров предмети 5 млн. сўм пул ва “Дамас” русумли 40К 465 МА давлат рақам белгили автомашина гаров кўювчи Собиров Зафаржон Зокировичга қайтарилсин.

ЖКнинг 96-моддасига асосан 3.3.Собировга нисбатан тиббий муассасаларда гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чораси қўлланилсин.

2. Жумабоев Файзулло Тохирович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми ”а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

Жумабоев Файзулло Тохировичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жумабоев Файзулло Тохировичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади

ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ўташни назорат қилиш Қува туман ИИО Пробация хизмати гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Тайинланган жазо Ф.Жумабоевнинг ўз иш жойида ўтатирилсин. Жазо ўташ муддати Ф.Жумабоев ишлайдиган муассаса маъмурияти Қува туман ИИО Пробация хизмати гуруҳидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ф.Т.Жумабоевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин. Гаров предмети “Матиз” русумли 40U 063 ОА давлат рақам белгили автомашина қонуний эгаси Исмоилов Шахобиддин Абдурахмоновичга қайтарилсин.

Ашёвий далил сифатида олинган 255 грамм “кўкнори сомони”, 66 грамм марихуана гиёҳвандлик воситалари, 0,23 грамм каннабис ўсимлиги, 1,9 грамм кўкнори ўсимлиги намуналари экспертизада сарфланган ва табиий қуриган миқдорини инобатга олган ҳолда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида, судланувчилар эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ўн сутка муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья

А.А.Хабибуллаев